

**ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ
ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ
ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

1.1. Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда — «Оферта») “Imkon-Sug‘urta” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «Суғурталовчи») томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектларини қуришда иштирок этувчи юридик шахсларга (кейинги ўринларда — «Суғурта қилдирувчи») қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш бўйича расмий таклиф ҳисобланади.

1.2. Мазкур Оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ишлаб чиқилган. 532-сон қарор Низомининг 1-банди мазкур суғурта турининг қўлланиш доирасини давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектлари билан боғлайди.

1.3. Оферта Суғурталовчининг расмий веб-сайтида, ахборот тизимида ёки қонунчиликда рухсат этилган бошқа электрон ресурсда жойлаштирилган пайтдан бошлаб амал қилади.

1.4. Офертада назарда тутилган шартлар номуайян шахслар доирасига йўналтирилган бўлиб, ушбу Офертада белгиланган шартлар асосида Суғурта шартномасини тузиш истагини билдирган ва унинг шартларига жавоб берувчи ҳар қандай Суғурта қилдирувчига нисбатан қўлланилади.

1.5. Ушбу Оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган оммавий оферта ҳисобланади. Фуқаролик кодексида оммавий оферта шартноманинг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ва таклиф қилувчининг таклифда кўрсатилган шартлар асосида ҳар қандай жавоб берувчи шахс билан шартнома тузиш иродасини англатувчи таклиф сифатида белгиланган.

1.6. Суғурта қилдирувчининг:
электрон ариза-анкетани тўлдириши;
ушбу Оферта шартлари билан танишиб, уларни қабул қилиши;
зарур ҳужжатларни тақдим этиши;
ҳисобланган суғурта мукофотини тўлаши;
ушбу Оферта шартларининг тўлиқ, шартсиз ва истисносиз қабул қилинганлигини — акцептни англатади.

1.7. Офертанинг акцепти натижасида Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда — «Суғурта шартномаси») тузилади.

1.8. Суғурта шартномаси электрон шаклда тузилган тақдирда электрон ариза, Оферта, Суғурта полиси, суғурта шартларини акс эттирувчи электрон ҳужжатлар ва уларнинг иловалари биргаликда Суғурта шартномасини ташкил этади.

1.9. Суғурта полиси Суғурта шартномаси тузилганлигини ва Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

1.10. Офертада назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва 532-сон қарор билан тасдиқланган Низом талаблари асосида тартибга солинади.

II. ОФЕРТАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Мазкур офертада қуйидаги маънога эга атамалар қўлланган.

Суғурта шартномаси – Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма келишув. Суғурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиснолар, алоҳида келишилган шартлар Суғурта шартномасининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

Суғурта объекти - Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказганлиги учун Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Суғурта полиси – Суғурта қилдирувчига суғурта мукофотини Суғурталовчига тўлиқ тўлаганидан сўнг бериладиган ва суғурта шартномаси тузилганлигини, ҳамда Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурта қилдирувчи - Суғурта шартномасини тузган, суғурта мукофотини тўлаётган ва Суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига қираётган, суғурта қилинаётган мулкни сақланишидан манфаатдор шахс.

Наф олувчи – фойдасига Суғурта шартномаси тузилган шахс. Агар Суғурта шартномасида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи Наф олувчи деб тан олинади.

Учинчи шахс – Суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатлари мавжуд бўлмаган, ва қурилиш пудрати шартномаси билан кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида унинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига зарар етказилиши мумкин жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар қаторига Суғурта қилдирувчи, унинг ходимлари, ҳамда ўз шартномавий мажбуриятларини амалга оширишда Суғурта қилдирувчи номидан иш кўраётган жисмоний ва юридик шахслар киритилмайди.

Мулк – суғурта Шартномасида белгиланган бино, иншоот, жиҳоз, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва қурилиш майдонида жойлашган қурилиш ва монтаж предмети ҳисобланган бошқа буюмлар;

Суғурта қиймати – суғурта манфаати билан боғлиқ мулкнинг суғурта Шартномаси тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қиймати.

Суғурта пули – полисида кўрсатилган ва Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, Суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта товони пул маблағларининг миқдори.

Моддий зарар бўйича суғурта пули – қурилиш ишлари (охирги ва тахминий, бунинг учун фойдаланиладиган материалларни ҳисобга олиб), келишилган қурилиш баҳоси, Буюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ёки элементлари, қурилиш майдонидаги асбоб ускуналар ва қурилиш асбоб ускуналари, илова қилинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (суғурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) ҳаражатлар суммаси.

Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик Жавобгарлиги – Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчининг ўзаро келишув асосида, ихтиёрий тарзда белгиланадиган суғурта миқдори.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига мазкур Суғурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

Суғурта товони – Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда мазкур Суғурта шартномасига мувофиқ, Суғурта қилдирувчи / Наф олувчига суғурта пули доирасида тўланадиган пул маблағларининг миқдори

Суғурта ходисаси – Суғурта шартномасида назарда тутилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ва суғурта даври ва ҳудудида ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ҳодиса.

Суғурта даври – Суғурта полисининг амал қилиш даври. Суғурталовчининг суғурта ходисалари бўйича мажбуриятлари фақат Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида амал қилади.

Суғурта ҳудуди – Суғурта шартномаси амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулк жойлашган жой (манзили) ҳисобланади.

Тозалаш бўйича харажатлар – суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг, ҳудудни тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитга келтириш билан боғлиқ харажатлар.

Шартсиз франшиза - Суғурта қилдирувчининг кўрган зарарининг бир қисми бўлиб, Суғурта ходисаси натижасида Суғурталовчи зарарнинг шу қисми учун жавобгарлик олиб бормайди.

Суғурта жавобгарлигининг кучга кириш санаси – Мазкур шартнома учун ҳисобланган суғурта мукофоти компания ҳисоб рақамига тўлиқ тушган санада 24:00 дан бошланади.

III. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Суғурта ҳодисаси деб, Суғурта шартномаси тузилган, шартнома билан истисно қилинмаган ҳодиса ҳақиқатан ҳам суғурта даврида ва суғурта ҳудудида рўй берган, ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳодиса тан олинади:

3.2. Суғурта Шартномаси асосида, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг мулкый манфаатларини қуйидаги хатарлар оқибатида мулки шикастланиши ёки йўқотилишидан суғурта ҳимоясини тақдим этади:

- ёнғин, чақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;
- машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан кўрилган зарар;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

IV. СУҒУРТА ПУЛИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Қурилаётган объектнинг суғурта пули қурилаётган объект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда, режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект қийматининг бир қисми миқдорида белгиланади.

4.2. Суғурта мукофоти Суғурта полисида кўрсатилган миқдорда Суғурта қилдирувчи томонидан бир вақтда ва тўлиқ тўланади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг Суғурта полиси расмийлаштирилади. Суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур Оферта ва Суғурта полисида белгиланган тартиб ва муддатларда кучга киради.

4.4. Қурилиш объекти Суғурта қилдирувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинган тақдирда, Суғурта қилдирувчининг мурожаатига асосан, қолган суғурта муддати учун суғурта мукофотининг тегишли қисми амалдаги қонунчилик ва мазкур Оферта шартларига мувофиқ қайтарилиши мумкин.

4.5. Курилиш ишлари Суғурта полисида кўрсатилган муддатдан олдин якунланган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

4.6. Курилиш ишлари Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддатида ортиқ давом этган тақдирда, суғурта ҳимоясини давом эттириш қўшимча суғурта мукофоти тўланган ҳолда расмийлаштирилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУҒУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Оферта шартлари асосида Суғурта қилдирувчи томонидан электрон аризанинг тўлдирилиши, Оферта шартларининг акцепт қилиниши ва белгиланган суғурта мукофотининг тўланиши Суғурта шартномасининг электрон шаклда тузилганлигини англатади.

5.2. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофоти тўлиқ тўланган, қурилиш майдонида қурилиш-монтаж ишлари бошланган ҳамда Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври бошланган тақдирда кучга киради.

5.3. Суғурталовчининг жавобгарлиги қурилиш, монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни монтаждан кейин синаш даврида амал қилади ва объект фойдаланишга топширилганда ёки Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати тугаганда, қайси бири олдин содир бўлса, тугайди.

5.4. Суғурта полиси Суғурта шартномаси тузилганлигини ва Суғурталовчининг суғурта ҳимоясини тақдим этиш мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Суғурта полиси электрон шаклда расмийлаштирилиши ва Суғурта қилдирувчига ахборот тизими орқали тақдим этилиши мумкин.

5.5. Суғурта полисида суғурта объекти, суғурта ҳудуди, суғурта пули, суғурта мукофоти, суғурта даври ва мазкур суғурта муносабатлари учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

5.6. Суғурта полиси йўқолган ёки унга қайта мурожаат қилиш зарурати юзага келган тақдирда, Суғурта қилдирувчига унинг электрон нусхаси ахборот тизими орқали қайта тақдим этилиши мумкин.

5.7. Суғурта шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни муддатида олдин бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, мазкур Оферта ва Суғурта полисида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.8. Суғурталовчининг фаолияти тугатилган тақдирда, Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонунчиликда белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий ворисига ўтади.

5.9. Суғурталовчи суғурта шартномасини тузиш ва суғурта ҳодисаси юзасидан зарарни баҳолаш жараёнида суғурта сюрвейери, аджастер ва бошқа тегишли мутахассислар хизматларидан фойдаланишга ҳақли.

VI. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

6.1. Мазкур офертага асосан қурилиш майдонида қутилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натижасида суғурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнғин, чақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, кулаш, қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулаб тушиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан кўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши Суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

6.2. Қўйидагилар Суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

6.2.1. ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларни оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлари, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирон бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига қўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;

6.2.2. ядро портлаш, радиация ва радиоктив заҳарланиш;

6.2.3. Суғурта қилдирувчининг, фойдасига суғурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг қасддан қилган ҳаракати ёки қўпол эҳтиётсизлиги;

6.2.4. Суғурта қилдирувчи фойдасига суғурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига суғурта ҳодисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

6.2.5. лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тutilмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;

6.2.6. айрим буюмларнинг каррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ҳодисалар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисалар натижасида бошқа суғурта қилинган буюмлар шикастланишидан қўрилган зарарнинг ўрни қопланади;

6.2.7. лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тutilмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;

6.2.8. қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

6.3. Суғурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

6.4. Ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг nobуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар суғурта билан қопланмайди.

6.5. Моддий зарар бўйича тўланмайдиган ҳолатлар:

- ҳар бир суғурта ҳодисасига алоҳида Суғурта қилдирувчи олиб борадиган зарар миқдори учун шартномада кўрсатилган франшизага;

- ҳар хил хусусиятга эга бўлган жаримадан бошлаб, шартнома талабларининг бузилиши, бекор қилиниши, тўловни кечиктиришда келиб чиққан зарарларга;

- нотўғри лойиҳалаштириш натижасида бузилган жойга ва зарарларга;

- қурилиш ишларини бажаришдаги хатоликларни ёки нуқсонли хом-ашёни бартараф этиш ёки таъмирлаш ёки созлаш ишларига, алмаштиришга кетган ҳаражатларга;

- одатдаги об-ҳаво шароити таъсирида ёки фойдаланмаганлик натижасида эскириши, каррозияга учраши, оксидланишида баҳосини тушишига;

- қурилиш майдонида қурилиш машиналарини ва асбоб-ускуналарини механик ва электр бузилишлар натижасида бузилиши, издан чиқиши, мойлаш-совутиш суюқликларини музлаши, нуқсонли мойлаш ёки ёнилғи-мойлаш хом ашёларини ва совутиш суюқликларини оқиб чиқиб кетиши, агарда бундай бузилишлар бахтсиз ҳодиса туфайли бузилган ҳисобланиб қўшимча шикастланиш келтириб чиқарган бўлса бу зарар қопланади;

- папка ҳужжатлари билан, чизмалар, қоғозлар, пуллар, ҳисоб варақалар, маркаларни ҳар хил тури, қарз мажбурияти тўғрисидаги ҳужжатлар, қимматли қоғозлар ёки чеклар, банкнотларга зарар етиши ёки nobуд бўлишига;

- хатлов пайтида аниқланган зарарлар ёки шикастланишларга.

6.6. Жавобгарлик бўйича Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига қуйидаги ҳолларда келтирилган зарарларга жавобгарлик олиб бормади:

а) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ суғурталанган қурилиш ишлари билан шуғулланувчи пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларининг касалланиши ёки танаси шикастланишига;

б) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ суғурталанган қурилиш ишлари олиб бориш топширилган пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмалар уларнинг бошчилигида назоратда ёки сақловида турган мулкларига ёки ишчи ва хизматчиларига;

в) йўлларда фойдаланишга рухсат берилган транспорт воситалари ёки сузувчи воситалар ёки самолётлар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисаларга;

г) келишмасдан олдин бор жавобгарликдан ташқари йўл қўйилиши мумкин бўлган ихтиёрий тартибда Суғурта қилдирувчи қабул қилган товон тўлаш бўйича мажбуриятлар ёки бошқа турдаги компенсацияларга.

VII. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Моддий зарар бўйича Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўзаро қайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг қисмига суғурта муддати давомида Суғурта ҳодисаси натижасида қутилмаганда ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган ҳолатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурият келтириб чиқарадиган моддий зарарни ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қоплаб беради, бироқ жами ҳар бир суғурта ҳодисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда қоплаб беради. Суғурталовчи суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у суғурта пулининг 2.0 фоизидан ортиқ бўлмайди.

7.2.1 Жавобгарлик бўйича Мазкур оферта доирасида зарар ёки шикастланиш қуйидаги тартибда қопланади:

а) суғурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги ҳолатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш харажатлари бўйича қопланади;

б) суғурталанган мулкларнинг шикастланиши оқибатида тўлиқ nobуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва қўшимча шартларига риоя қилиш шarti билан мулкни ҳақиқий баҳоси билан бироқ кўрсатилган суғурта пули миқдорида қоплаб берилади.

Суғурталовчи таъмирлаш ишлари қилинганлиги ёки шикастланган қисмини алмаштирилганлиги ҳақида ҳужжатлар ёки зарур ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим қилингандан сўнг зарарни қоплаб беради.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган харажатлар суғурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш “б” кичик бандидаги шартлар тартибида амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охириги таъмирлашни охириги қисми ҳисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами харажатлар ошиб кетмаса, Суғурталовчи тахминий таъмирлаш ишларига харажатларни қоплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, қўшимчаларга ёки янгиликларга алоқадор харажатларга қоплама тўланмайди.

7.2.2. Суғурталовчи жавобгарлик бўйича Суғурта қилдирувчига юқори даражада шартномада қайд этилган Суғурта пули чегарасида, яъни Суғурта қилдирувчи фуқаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

а) бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);

Соғлиққа етказилган зарар учун товон қуйидаги миқдорларда тўланади:

Тан жароҳати оғирлиги	Тўлов миқдори (Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори)
Одам ўлими	100
Тан жароҳати (I гуруҳ ногиронлиги)	60
Тан жароҳати (II гуруҳ ногиронлиги)	40
Тан жароҳати (III гуруҳ ногиронлиги)	20
Ногиронликка олиб келмаган жароҳат ва бошқа тан жароҳатлари	10

б) суғурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу бахтсиз ҳодиса моддий зарар бўйича суғурталанган қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда қурилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнгинасида рўй берса қоплаб берилади.

7.3. Суғурта ҳодисаси бошланганда Суғурта қилдирувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, суғурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришнинг имкони бўлган барча чораларини кўриши ва 7 календарь кундан кечикмай суғурталовчини содир бўлган ҳодисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.4. Суғурта қилдирувчи, Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома;
- Суғурта полиси;
- Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Суғурта ҳодисаси натижасида зарарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ҳодисасига оид бошқа маълумотлар.

7.5. Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Суғурта қилдирувчининг ва суғурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

7.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиш жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттирадилар.

7.7. Тузилган маълумотномалар Суғурта ҳодисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва маълумотномалар асосида Суғурта товони тўланмайди.

7.8. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

7.9. Суғурта қилдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ҳодиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чиқиш, ҳарид қилиши ва Суғурталовчига тақдим этиши шарт.

7.10. Суғурта қилдирувчи Суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металлоломга топшириш ёки бировга бериш, ёқиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Суғурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

7.11. Суғурта товони ҳақиқий етказилган зарар миқдорида, агар Суғурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Суғурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

7.12. Суғурта пули объект баҳосидан кам қилиб белгиланганлиги учун Суғурталовчи Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига у кўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Суғурта пулининг объект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

7.13. Суғурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

7.14. Суғурта товони мазкур Суғурта шартномасига асосан ҳисоб рақамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7.15. Суғурта ҳодисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Суғурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Суғурта қилдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Суғурта товони тўлаб берилади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- суғурталанган қурилиш объектининг ҳолатини, шароитини Суғурта шартномасини тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Суғурта ҳодисаси содир бўлганда текшириш;

- Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномаси шартларини бажармаганда, Суғурта шартномасини бекор қилиш;

- мазкур шартнома ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Суғурта товонини тўлашни рад этиш;

- суғурталанган қурилиш объектида содир бўлган ҳодиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Суғурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;

- Суғурта товони миқдорини аниқлаш учун Суғурта қилдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, экспертлар хулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;

- Суғурта қилдирувчининг тақдим этган ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

- Суғурта қилдирувчи олдидаги Суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганида, Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

- Суғурта сюрвейери ҳамда Суғурта ҳодисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

8.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- Суғурта полисини мазкур Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта қилдирувчига ёзиб бериш;

- Суғурталанган қурилиш объектида Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичида жойига чиқиб етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;

- Суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанган қурилиш объектидаги етказилган зарар бўйича Суғурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

8.3. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқи:

- мазкур Суғурта шартномасида келишилган шартлар асосида Суғурта полисини Суғурталовчидан олиш;

- мазкур Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида шартномага доир саволларга Суғурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўрсатилган тартибда Суғурта товонини олиш.

8.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

Суғурта қилдирувчи жавобгарликдан ташқари ўз ҳисобидан барча оқилона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, зарарларни бартараф этиш бўйича Суғурталовчи берган барча зарур тавсияларга риоя қилиши, шунингдек қурилиш қоида ва меъёрлари талабларига, асбоб ускуналар тайёрлаш тавсияларига амал қилиши;

Қурилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнғинга қарши қуйидаги чораларга тегишли махсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

- керакли миқдордаги ишчилар ёнғинга қарши асбоб ускуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнғин бўлганда тезкор ҳаракатга тайёр туриши;
- тегишли ёнғинга қарши асбоб ускуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;
- объектда иш бошланганда барча ёнғинга қарши қўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;
- тезда ўт олувчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишда битта ўқиган ишчи ёнғин билан кураш учун шай тургандагина йўл қўйиши;
- барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегишли қоидалар ва меъёрлар талаби доирасида сақлаши;
- энг яқин ўт ўчириш бригадаси мазкур ҳудуд билан таништириш ва ҳоҳлаган пайтда шу ҳудудга эркин кириши учун рухсат бериши;
- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат қилиши;

Ҳодиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламоқчи бўлганда Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- Суғурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги миқдорини ёзма равишда 7 календар кунида хабар қилиши;
- зарарларни камайтиришга мавжуд барча чораларни кўриши;
- зарарланган қисмни сақлаб қўйиш ва Суғурталовчининг вакилига ёки экспертга кўрикдан ўтказиш учун тақдим қилиши;
- Суғурталовчига рўй берган ҳодисага тааллуқли барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши;
- кулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар кўрилганда содир бўлган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериши;
- мазкур Суғурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;
- белгиланган муддатларда Суғурта мукофотини тўлаши;
- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Суғурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиши;
- Суғурта қилдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши;
- Суғурта ҳодисаси рўй берганда зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Суғурталовчини таъминлаши;
- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Суғурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериши;
- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металлломга бериш ва ҳоказоларни) ишларини Суғурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, мазкур Офертада ва Суғурта полисида назарда тутилган асослар ва тартибда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

9.2. Суғурта Шартномаси муддатдан аввал бекор қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти қуйидаги тартибда қайтарилади:

а) Суғурта қилдирувчи ушбу суғуртадан Суғурталовчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, суғурта мукофоти тўлиқ қайтарилади;

б) Шартнома томонлар келишувига асосан муддатдан аввал бекор қилинганда, суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига суғурталашнинг тугамаган даврига мутаносиб равишда, тўланган суғурта мукофотининг 25% миқдорида Суғурталовчининг иш юритиш бўйича харажатларини ва аввал тўланган суғурта товонининг миқдорини айириб, қайтарилади.

9.3. Суғурта Шартномаси Суғурта қилдирувчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли Суғурталовчи ташаббуси билан бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

X. СУБРОГАТСИЯ

10.1. Суғурта қилдирувчининг Суғурта ҳодисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддасига асосан Суғурталовчига ўтади. Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Суғурта қилдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

10.3. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи Суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва ортиқча тўланган Суғурта товонини қайтарилишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар суғурта Шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.2. Агар томонлар суғурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар оқибатида (форс-мажор) бажаришмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида қолган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган ҳолатлар рўй берганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11.3. Агар суғурта Шартномаси тузилганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида била туриб, ёлғон маълумотлар берганлиги аниқланса, Суғурталовчи суғурта Шартномасининг ҳақиқий эмас деб тан олиншини ва Суғурта қилдирувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан назарда тутилган оқибатларни қўллашни талаб этишга ҳақли.

II. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Мазкур Оферта ва унинг асосида тузилган Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар музокара йўли билан, келишувга эришилмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XIII. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Оферта ва Суғурта шартномасида назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

13.2. Суғурта шартномаси ва Суғурта полиси электрон шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

13.3. Офертанинг акцепти Суғурта қилдирувчининг унинг шартларини тўлиқ ва шартсиз қабул қилганлигини англатади.

СУВУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номи: “Имкон-Суғурта” Акциядорлик жамияти

Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик проспекти, 17-уй

Электрон почта манзили: info@imkonsugurta.uz

Расмий веб-сайт: www.imkonsugurta.uz

Телефон: 71 207 48 84

Лицензия маълумотлари: СФ–00042-сонли лицензия 2022-йил 25-февралда
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган.